

## ПЕДАГОГИК ЖАМОАДАГИ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК МУҲИТНИ БОШҚАРИШНИНГ АНЪАНАВИЙ ВА МАҲСУС ВОСИТАЛАРИ

**Сайдов Аслиддин Норбобо ўғли**

*International school of finance technology and science institute*

*Илмий ишлар ва инновациялар бўлими бошлиғи*

**Аннотация:** Мақолада педагогик жамоани бошқаришда раҳбар эътибор қилиши керак бўлган жиҳатлар ёртилиб, жамоадаги педагогик-психологик муҳитни бошқаришнинг анъанавий ва маҳсус воситалари ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, мақолада раҳбарнинг зиддиятларни бартараф этиш уссуллари ҳам келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Педагогик жамоа, бошқарув, раҳбар салоҳияти, умумтаълим мактаблари

Педагогик жамоа таркибини ривожлантиришда раҳбарлар эътибор қаратадиган муҳим масалалардан бири унинг фаолиятини педагогик-психологик жиҳатдан коррекциялашдан иборат. Ушбу ўринда педагогик жамоадаги педагогик-психологик муҳитни бошқаришнинг анъанавий ва маҳсус воситалари ҳақида фикр юритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бундай воситалар сирасига: моддий турмуш шароитлари, ўқувтарбия жараёнининг аниқ ташкил этилганлиги, жамоа фаолиятининг йўналганлиги, талабларнинг ягоналиги, педагогик жамоанинг анъаналари, ушбу жамоага раҳбарлик қилишнинг характерли жиҳатлари, жамоанинг расмий ва норасмий структуралари орасидаги ўзаро мутаносиблик, ўзаро муносабатларнинг мақсади кабилар киради.

Умумтаълим мактаблари раҳбарларининг педагогик жамоа билан амалга оширадиган иш шакли турли вазиятлардан келиб чиқсан ҳолда аниқланади. Мактабда ва муайян синфда вужудга келган вазиятлар билан боғлиқ ҳолда анъанавий иш шакллари танланади<sup>6</sup>. Раҳбар томонидан кўрсатиладиган педагогик таъсирнинг даражаси педагогик жамоанинг ҳар бир аъзоси ривожланиш йўлини белгилайди. Бундай таъсир усуслари сирасига: турли хашарлар, сухбатлар, мунозаралар, саёҳат ва экскурсиялар, танловлар, ижтимоий фойдали ва ижодий

<sup>6</sup> Куровская С. Конфликтология в социально-педагогической деятельности. Москва, 2013 – С.37.

мәжнат, бадиий-эстетик фаолият ва ижтимоий ролли тренинглар киради.

Ҳамкорликдаги турли ижтимоий фойдалари ва ижодий мәжнат тарбиявий тадбирлар сирасига киради ва педагогик жамоанинг анъаналарини ифодалайди. Жамоа аъзолари орасидаги жипсласиши ўзининг психологик хусусиятларига эга. Бу гуруҳ аъзолари орасида ўзига хосликни вужудга келишига асос бўлади. Шу билан бир қаторда турли тўсиқлар жамоа аъзолари орасида психологик яхлитликнинг бузилишига олиб келади.

Педагогик зиддият бир қатор белгиларга эга: инқироз; англашилмовчилик; кутилмаган ҳодиса; зўриқиши; ноқулайлик; ички ёки ташқи хавотир; бартараф этиш қийин бўлган қўрқув.

Педагогик зиддиятларни келтириб чиқарувчи омиллар қўйидагилар: ахборот омили; муносабат омили; ҳулқ омили.

Педагогик зиддият психологик нуқтаи назардан олиб қараганда педагогика ва психология фанлари билан узвий боғлиқдир. Уларнинг ҳар иккиси, битта умумий жараённи – инсонни психик фаолияти ҳамда унинг ҳулқ-атворини тадқиқ этади. Замонавий раҳбар ижтимоий психолог бўлмаслиги мумкин эмас. Шунинг учун ҳам жамоа аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларини йўлга сола олиши, ижтимоий-психологик механизмлардан фойдаланиши билиши зарурдир.

Педагогик зиддиятларнинг қўйидаги асосий турлари мавжуд: ички шахсий зиддият; мотивацион зиддият; амалга оширилмаган фаолият низоси; ахлоқий зиддият, шахслараро ва гуруҳлараро зиддиятлар.

Педагогик зиддиятлар ўз навбатида давомийлигига кўра ҳам бир неча турларга бўлинади:

тезда якун топадиган зиддиятлар;  
кучсиз, суст кечадиган зиддиятлар;  
узоқ муддат давом этадиган зиддиятлар;  
кучли, тез кечадиган зиддиятлар.

Педагогик низолар, зиддиятларни, тўқнашув, қарама-қаршилик можороларни педагоглар жамоаси ўртасида юзага келмаслиги учун раҳбар зиддиятларни олдини ола билиши лозимдир. Умумтаълим мактаблари раҳбарлари педагогик жамоада вужудга келадиган зиддиятларни бартараф этиш, замонавий тарзда келишмовчиликларни бошқариш, муносабатларга тўғри ёнимни топиши керак.

Педагогик жамоа таркиби кенг қамровли бўлиб, у ерда турли хил характердаги шахслар бўлиши табиий. Шахслараро зиддиятлар албатта фаолият турларида намоён бўлади. Масалан, илғор педагог

мисолида кўрамиз. У ўз соҳасига оид янгиликларни тез ўзлаштиради ва фикр доираси кенг бўлганлиги сабабли фаолиятида қўллай бошлайди. Раҳбар эса бошқаларни ундан ўрнак олишга чақиради. Афсуски, ҳамманинг ҳам салоҳият даражаси тенг эмас<sup>7</sup>. Натижада, шахслар ўртасида тўқнашув, мажоро келишмовчилик, зиддиятлар юзага келади. Ҳар бир жамоа аъзоси ўз фикрини тўғрилигини исботлай олади, бундай ҳолатда зиддиятни бошқариш раҳбар томонидан бартараф этилади.

Педагогик зиддиятларда адолатсизликларга, ижтимоий муносабатлардаги яккаҳокимликка йўл қўйиб бўлмайди. Уларни ҳал этишнинг бир неча самарали йўллари мавжуд: зиддиятларнинг таъсир доирасини кенгайтирмаслик, қулай ечимларни таклиф қилиш, ман этилган усуllарни қўлламаслик, шакллардан фойдаланмаслик, шикоятлар сонини қисқартириш, иккинchi даражали масалаларни ҳам узвий равишда ҳал қилиб бориш, зиддиятга киришган субъектлар шахсини камситадиган сўзлардан фойдаланмаслик.

Педагогик зиддиятларни ҳал этишда бир қатор усуllар ҳам қўлланилади. Одатда педагогик зиддиятлар икки усул: педагогик ва маъмурий йўллар билан ҳал қилинади.

Педагогик зиддиятларни ҳал қилишнинг педагогик усуllари: сұхбат; илтимос; ишонтириш; зиддиятга киришувчиларга қўйилган талаблар ёки иштирокчиларнинг хатти- ҳаракатлари нотўғрилигини тушунтириш ва б.

Педагогик зиддиятларни ҳал қилишнинг маъмурий усуllари: томонлар манфаатларини куч билан бостириш; уларни бошқа ишга ўтказиш; қатнашчиларни турли кўринишларда ўзаро ажратиш; ахлоқ комиссиясининг қарори; раҳбар буйруғи; суд қарори.

Умумтаълим мактаблари раҳбарлари педагогик жамоадаги зиддиятларни бартараф этишда иштирокчиларга педагогик-психологик ёрдам кўрсата олиш имкониятига ҳам эга бўлишлари зарур<sup>8</sup>. Бу борада кўрсатиладиган ёрдам турлари қўйидагилар саналади: маслаҳат бериш; ахборотли ёрдам кўрсатиш; ташхислаш; амалий тренинглар ўюстириш.

Умумтаълим мактаблари раҳбарлари педагогик жамоа билан ишлашнинг педагогик-психологик механизмлари, воситалари, усул ва методларини яхши билиб олиши керак. Мавжуд амалиётни ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, умумтаълим мактаблари

<sup>7</sup> Гришина Н. В. Психология конфликта. СПб.: Питер, 2006 – С.117.

<sup>8</sup> Курковская С. Конфликтология в социально-педагогической деятельности. Москва, 2013 – С.41.

раҳбарларининг педагогик жамоадаги зиддиятларни бартараф этиш усуллари, технологиялари, мезонларини ўзлаштирганлик даражалари талаб даражасида эмас. Шунинг учун ҳам умумтаълим мактаблари раҳбарларига педагогик жамоа билан ишлаш, педагогик зиддиятларни олдини олиш ва бартараф этиш соҳасидаги билимлар, инновацион усуллар, маълумотларни етказиш талаб қилинмоқда<sup>9</sup>. Бунинг учун умумтаълим мактаблари раҳбарларининг педагогик жамоа ишлаш маҳоратини ривожлантиришнинг умумий ва хусусий мақсадлари аниқ белгилаб қўйилиши лозим. Бу мақсадлар тури даражадаги тайёргарликка эга бўлган раҳбарлар фаолиятининг ташхиси натижаларига таянган ҳолда белгиланади.

1. Педагогик жамоа билан репродуктив усуллар ёрдамида ишлайдиган раҳбарлар учун мазкур фаолиятни ташкил этиш соҳасидаги нуқтаи назарлари, билимларини фаоллаштириш мақсади қўйилиши керак.

2. Эркин фикрловчи, ташкилотчи, ижодкор раҳбарлар учун жамоавий фаолият жараёнида жамоа аъзолари билан биргаликдаги ҳамкорликка киришиш методикаларини ўзлаштириш устивор ўрин эгаллашига эътибор қаратилади.

3. Ижодкор, тадқиқотчи раҳбарлар учун педагогик жамоа билан ишлашга йўналтирилган ташкилотчилик фаолиятларини илмий жиҳатдан асослай олиш даражасига қўтарилишлари мақсад қилиб қўйилади.

Умумтаълим мактаблари раҳбарларининг педагогик жамоадаги зиддиятларни бартараф этиш маҳоратини ривожлантиришда қўйидаги масалалар ечимиға алоҳида эътибор қаратиш талаб қилинади:

1. Педагогик жамоа билан ишлашнинг илмий асослари, оптималь усуллари билан қуроллантириш, мазкур билимларни ўз амалий фаолиятларида қўллашларига шароит яратиш, ушбу йўналишда индивидуал топшириқлар бериш.

2. Педагогик жамоа аъзолари орасида ўзаро муносабатларнинг ривожланиш динамикасини ташхислаш, ушбу жараёнда аниқланган бўшлиқларни бартараф этиш.

3. Умумтаълим мактаблари раҳбарларининг педагогик жамоадаги зиддиятларни бартараф этиш соҳасидаги ўз ютуқлари ва камчиликларини таҳлил қилиш асосида аниқлашга мунтазам ўргатиб бориш.

<sup>9</sup> Бережная Г. С. Формирование конфликтологической компетентности педагогов общеобразовательной школы : автореф. дис. Калининград, 2009. – С.15.

Кўзда тутилган биринчи мақсадга эришиш учун раҳбарлар ўз фаолиятларининг мавжуд қирраларини яхши билиб олишлари керак. Раҳбардаги руҳий ўзига хослик ва хусусиятларни марказлаштириш, бир нуқтага жамлаш касбий меҳнатини интеграциялаш, изчил тизимга солиш имконини беради. Бу меҳнатнинг барча ўзига хос қирралари, жиҳатлари ва параметрларини аниқлашга кўмаклашади.

Хулоса, қилиб айтганда, умумтаълим мактаблари раҳбарларининг худди мана шу жиҳатлари унинг педагогик жамоадаги зиддиятларни бартараф этиш маҳоратини ривожланишига кўмаклашади. Шунинг учун ҳам биринчи гурӯҳга мансуб умумтаълим мактаблари раҳбарлари олдига уларнинг педагогик жамоадаги зиддиятларни бартараф этиш маҳоратини ривожлантиради.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Бережная Г.С. Формирование конфликтологической компетентности педагогов общеобразовательной школы : автореф. дис. Калининград, 2009. – С.15.
2. Куровская С. Конфликтология в социально-педагогической деятельности. Москва, 2013 – С.37.
3. Гришина Н. В. Психология конфликта. СПб.: Питер, 2006 – С.213.